



ЗАМОНАВИЙ БУЊЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲ БЎЛИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Замон ривожлангани сари одамларнинг таъби ҳам, талаби ҳам ўсиб бормоқда. Шунга яраша янги қурилишларга, муносиб шароитларга эҳтиёж туғилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Юнусобод деҳқон бозори ҳаммаши гавжум, кенгайишга эса жой йўқ. Яна бир муаммо — тирбандлик. Шу боис, уни замонавий концепция асосида юқорига “ўстириш”, савдо ўринлари ва қўлайликларни кўпайтириш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, аввало, асليات сақлаб қолиниб, ҳозиргисининг ўрнида уч қаватли экобозор қурилади. Унинг ёнида кўшимча савдо маркази ҳамда заргарлик уйи барпо этилади. Энг муҳими, ушбу биноларнинг ер ости қисми мингдан ошмиқ автомобил сифадиган тураргоҳ бўлади. Жами 4-5 минг иш ўрни очилади.

Мутасаддиларга булар сабабли бозор фаолиятини тўхтатиб қўймаслик, қурилишни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Кейинги лойиҳалар истироҳат боғларини ободонлаштириш ва янгиликларни қуришга оид. Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий боғи ободонлаштирилади. Рельефдан тўғри фойдаланиб, яшил ҳудудлар кўпайтирилади. Сайр ва томоша жойлари, фавворалар, янги планетарий қурилади. Сайёҳларни

жалб қилиш учун гастро-хол ташкил этилади. Бу Чорсу бозори, умуман, эски шаҳар билан янада уйғун бўлади.

Давлатимиз раҳбари боғда шароитларни яхшилаш ва анъаналарни акс эттириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу режалар яхши. Фақат миллий руҳ кўшиш керак. Бу ерда шаҳарнинг тарихи, халқимизнинг анъаналари акс этсин. Ҳар бир ёш тоифасидаги инсон боғда ўз жойини топа олсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Дўстлик” боғи ҳам янгиликлар, аҳолини ўзига жалб этувчи масканга айлантирилади. Сайр йўлаклари, сув ҳавзалари, дам олиш жойлари таъмирланиб, ўриндиқлар ўрнатилади. Оилавий кўнгилочар маскан ва болалар ижод маркази ташкил қилинади. Ёшлар учун скейт майдончаси, дарахтлар билан уйғун авиарий ҳамда томоша чархпалаги қурилади.

Маълумки, шу ерда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси жойлашган. Унинг ортидаги майдонда юртимиздаги миллий маданият марказларининг павильонларини барпо этиш режалаштирилган. Улар ҳар бир миллатнинг уйи шаклида бўлиб, ўзига хос маданият ва анъаналарни ифодалайди. Бу ҳудуд “Дўстлик” боғи билан ҳамоҳанглик касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилда Тошкент шаҳрида “Наврўз” боғи барпо этилган эди. Ҳозирги кунда у шаҳар марказидаги обод ва гавжум масканлардан бири. Ташриф буюрувчиларга шароитларни янада кенгайтириш мақсадида бу ерда меҳмонхона, ёпик спорт майдончаси, ресторан, конференция зали бунёд қилиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш доирасида барча жойларда янги мавзелар, парклар, кўнгилочар масканлар қурилмоқда. Жумладан, Нурафшон ва Наманган шаҳарларида ҳам “Янги Ўзбекистон” боғлари барпо этилган. Навбатдаги лойиҳалар улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва меҳмонларни кўпроқ жалб этишга қаратилган.

Бунинг учун Нурафшон ва Намангандаги “Янги Ўзбекистон” боғлари ёнида туризм марказлари ташкил қилинади. Уларда Шарқ бозори, хунармандчилик жойлари, амфитеатр, фаввора ва бошқа қурилмалар бўлади. Дарахтлар экилиб, яшил ҳудуд кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли қилиш, боғларда аҳоли ва туристлар учун қўлай шароитларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 11 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Россия Президентининг жорий йил май ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни етакчилар томонидан тасдиқланган “йўл харитаси” асосида амалга ошириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Кўни кеча Москва шаҳрида ўтган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва икки томонлама музокараларнинг натижалари юқори баҳоланди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсишини таъминлаш, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ҳамда ишбилармон ташкилотлари даражасида фаол мулоқотларни давом эттиришга қаратилган ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди. Инновациялар, сунъий интеллект, таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорлик

кенгайтириш бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ноябрь ойида Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Халқаро кун тартибидеги масалалар ҳамда жорий йил декабрь ойи охирида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўриш нуқтани назардан минтақавий ташкилотлардаги кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

НУҚТАИ НАЗАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИ ИФОДАСИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлган яна бир йил ўз поёнига етиб, тарихга айланиб бормоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқ, биринчи марта аралаш (мажоритар ва пропорционал) тизим асосида ўтказилган парламент сайлови бунга ёрқин мисол бўла олади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг Бош қонунимиз қабул қилинганнинг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган

байрам табриғида қайд этилганидек, “Меҳнатқаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонини барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва



ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги вакиллик тизими шаклланиши албатта барчамизни мамнун этади”.

Давоми 2-бетда

Инсон ва табиат уйғун. Барчамиз табиат билан муроса қилиб яшашга мажбурмиз. Ён-атрофимиздаги ўзгаришлар, экологик таназзул ва турли табиий офатлар таъсирини ҳаётимизда ҳис этаётган бир шароитда ана шу мажбурият инсоният зиммасига катта масъулият юкламоқда. Бунга ўзимиз сабабчимиз. Чунки табиий бойликларни тухфа деб билдик. Аямасдан фойдаландик, фойдаланяпмиз.

ЎЗГАРАЁТГАН ШАРОИТ

Зиммамизга катта вазифа ва масъулият юкламоқда



Олимлар фикрича, сув организм учун ҳаётини муҳим омил. Тананинг 70 фоизи сувдан иборат. Ана шу сув миқдори бир оз камайса ҳам инсон саломатлигида етарлича муаммолар юзага келади. Табиат ҳам шундай — мувозанати бузилса, салбий таъсири ён-атрофимиздаги ўзгаришларда намоён бўлади. Минг афсуски, сўнгги пайтларда табиат ному-таносибликлари жуда кўп кузатиляпти. Қаердадир об-ҳаво исиб кетяпти, қаердадир совуқ заботига оляпти. Баъзи жойлар сув тошқинига дуч келгани ҳолда айрим ҳудудларда обихаёт етишмаслиги орғиб борапти. Қурғоқчил майдонлар кенгаймоқда. Чўлланиш, туپроқ эрозияси каби омиллар озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф соляпти. Олаётган

нафасимиз нотоза, ичаётган сувимиз камёб бўлиб борапти. Еримиз, туپроғимиз тобора кучсизланмоқда. Булар энди муаммо ҳақида гапиришнинг нафи йўқлигини, аксинча, амалий ишларга киришиш, тезкор чоралар кўриш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланганини аналтади.


Мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар бажарилляпти. 2025 йилга “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили” дея ном берилгани ана шу ишлар янги босқичга кўтарилишидан далолат. Бинобарин, келгуси ҳаётимиз табиатни нечоғлиқ авайлаб, асрай олишимизга боғлиқ.

Давоми 3-бетда

Муносабат

Президентимизнинг жорий йил 20 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида сўзлаган нутқи ватанимиз сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайлов мамлакатимиздаги кенг қўламли ва шиддатли ислохотлар халқ билан мулоқот принципига уйғун ва ҳамоҳанг эканини намоён этиш баробарида масъуллар фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилди.

МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ ИККИ ТАЯНЧ УСТУН



Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар, ўзгариш ва янги лойиҳалар, энг аввало, инсон қадрини улуглаш, халқимизни рози қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётди. Бу борадаги янгиликларнинг асосини ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор ташкил этади. Зотан, Президентимизнинг ҳар бир нутқида таъкидланганидек, бугун энг катта инвестиция сифатида кўриляётган таълим сифатини ошириш янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ягона тўғри йўлидир. Йиғилишда ёшларимиз онгу тафаккурда миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Янги Ўзбекистонни яратиш заминидеги кучли мафкура туради. Бугун мақкур тушунча реал воқеликка айланмоқда. Чунки янги мафкурага назар ташласак, унинг илмийлиги, тизимлиги, ҳаётини ва натижадорлигига амин бўламиз.

Давлатимиз раҳбари “Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз

бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”, деб таъкидлади. Иқтисодиётни тизим тартибда таҳлил қилсак, бу иккита йирик супертизим жамият ва табиат кесимида вуҷудга келган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий тизим бир томондан жамият, иккинчи томондан табиатнинг бир бўлагидир. Шу маънода, ҳар бир баркамол шахсга жамиятнинг бир аъзоси, фуқароси деб қараганда, унинг муносабати ва хатти-ҳаракати таҳлил этилади. Аввало, бу ўринда инсон ноз-неъматлар, хизматлар, маънавий, маданий товар ва ахборот истеъмолчиси деб ўрганилади. Бундай қарашда унинг эзгулик ва одамгарчилик хислатлари устувор бўлади, жамиятдаги воқеа-ҳодиса ва жараёнларга муносабати, иштироки, фикри ва тарбиявий даражаси катта аҳамият касб этади. Иқтисодиёт ва маънавият ўртасида кетма-кетлик йўқ, аммо ўзаро боғлиқлик, яъни икки томонлама алоқа мавжуд. Бу илмий тилда ўзаро корреляция дейилади.

Давоми 5-бетда

САЙЁҲЛИК ЙўНАЛИШИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ЛОЙИҲА

Қашқадарёда умуммавсумий курорт мажмуаси қурилади

Ғелон нафақат воҳанинг, балки мамлакатимизнинг энг баланд нуқтасида жойлашган қишлоқлардан бири. Ўзига хос табиати, пурвиқор тоғлари, зилол суви, тоза ҳавоси, ажиб манзаралари билан кишини мафтун этади. Олисдан қараганда мўйсифид каби бошига оппоқ салла ўраган осмонўпар чўққилардан йил давомида қор эримаслиги сабабли қишлоқ ёз фаслида ҳам салқин бўлади. Эртакмонанд қишлоқ ҳудудига кириб борар экансиз, бехосдан қўлга қалам олиб, ажиб кўринишни тасвирлагинг, юрагингда жўшқинлик мавж уриб, ҳайқиргинг, бир сатр бўлса-да, шеър ёзгинг келади. Қўл узатсанг, етгудек булдуларга термилиб, хаёлларга шўнғиб кетасан. Борлиқни унутиб, она табиат қўйнида яйрагинг келаверади. Ҳавонинг мусаффолигидан тўйиб-тўйиб нафас олган киши ўзини янада ёшаргандек сезади.

Давоми 2-бетда

Қарор ва ижро



Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Мажбурий меҳнатни тақиқлаш бўйича қафолатлар кучайтирилиб, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Мажбурий меҳнат ҳамда болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилди.

2024 йил 12 декабрь, 252-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_



yuz

Пуктаи назар

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИ ИФОДАСИ



Асқар ҒАҒУРОВ, Конституциявий суд раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, бу жараёнларнинг барчаси Конституцияда белгиланган асосий принципларга таянган ҳолда амалга оширилди. Ушбу сайлов натижаси бўйича янги парламент шаклланди.

Янги тахрирдаги Конституция қабул қилиш мақсадларидан бири фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, кўпмиллатли мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини таъминлашдан иборат. Шунга кўра, Конституцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига асосланган. Аҳолининг ақсариятини кўп болали оилалар ташкил этиши, мамлакатда ёшлар умумий аҳолининг 60 фоиздан иборатлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масала эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат сифатида мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Президентимиз “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олиш юртимизнинг асосий вазифаларидан эканини таъкидлаган эди.

Бу борадаги сайё-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Конституцияда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини

таъминлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида устуворлик берилди. Натижада янгиланган Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қондалар қарийб икки баробар кўпайиб, унинг конституциявий-ҳуқуқий қафолатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат органлари томонидан фуқарога нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Мазкур принцип ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, тергов ва тезкор қидирув фаолиятида суиистеъмолчиликка йўл қўйилишининг олдини олишга замин яратди.

Инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши керак. Мазкур конституциявий принциплар Ўзбекистоннинг ижтимоий ва ҳуқуқий давлат сифатидаги хусусиятларидан келиб чиқади ва инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда давлатларга ўз миллий қонунчилигида қийноқлар ва барча турдаги зўравонликларни тақиқлаш мажбурияти юкланди. Мазкур халқаро норма Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган, қийноқлар, зўравонлик ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолар тақиқланган. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Айбисизлик презумпцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандарт сифатида эътироф этилади. Мазкур халқаро ҳуқуқий норма Конституцияда тўлиқ ўз аксини топган, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбисиз деб ҳисобланади. Бу конституциявий нормани амалиётда тўлиқ жорий этиш, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 10 июнда Президентимизнинг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсини ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги



фармони қабул қилинди. Фармон билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга кўтариш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шахсини ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси қафолатларини кучайтириш, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципини амалда таъминлаш, шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсини ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишига эришиш мақсадида 2025 йил 1 январдан суд тизимида тергов судьялари институти жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан ҳамкорликда тергов судьялари корпусини шакллантириш, ушбу масъулиятли вазифага етарлича билим ва тажрибага эга шахсларни танлаб олиш, уларнинг малакасини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Суд-ҳуқуқ тизими билан биринчи марта тўқнаш келган шахс ўз ҳуқуқларини етарлича билмаслиги туфайли муайян муаммоларга дуч келиши, ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Конституцияда айбдорликка оид барча тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 10 июнда Президентимизнинг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсини ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

тилга олинмаган қоида, яъни шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги мустаҳкамланди. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Шунингдек, шахсини судланганлиги билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмайди. Мазкур норманинг аҳамияти шундаки, яқин ўтмишимизда давлат идораларида ишлайдиган фуқаро, гарчи у тажрибали ва намунали ҳодим бўлган тақдирда ҳам бирор қариндошининг хатоси сабабли ишдан кетишга мажбур бўлган. Бу ўта адолатсиз қонун нормаси бекор қилинди.

Мамлакатимиздаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири жамиятда миллатлараро, динлараро тотувликни мустаҳкамлашдан иборат. Фуқароларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик гоиларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, ҳамжихат бўлиб яшамоқда. Бу ҳамжихатликнинг ҳуқуқий қафолати Бош қонунимизда мустаҳкамланган, яъни барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жинси, irqи, миллати,

тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги Конституция билан қафолатланган.

Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Мажбурий меҳнатни тақиқлаш бўйича қафолатлар кучайтирилиб, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Мажбурий меҳнат ҳамда болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилди.

Фуқаролар нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқий нормалар асосида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Янги тахрирдаги Конституция фуқароларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Бу мутлақо янги даражадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми бўлиб, фуқаролар халқаро ҳуқуқий муносабатлар иштирокчисига айланаётганини англатади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқда “Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур”, деб таъкидлаган эди. Конституциявий назоратни кучайтириш Конституция ва қонун устуворлиги принципини таъминлаш ва пировард натижада юртимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини зарур шарт ҳисобланади.

Конституция фуқароларга конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Фуқаролар томонидан Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг моҳияти ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган қонуннинг Конституция нормаларига мослигини текшириш талабидан намоён бўлади. Айни пайтда эътироф этиш жоизки, конституциявий шикоят институтининг аҳамияти фақат

фуқароларни конституциявий оқил судловга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдангина иборат эмас, балки қонунларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг конституциявийлигини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштиришга замин яратди. Шубҳасиз, мазкур янгиланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Конституциявий шикоят институти жорий этилиши барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳеч ким қонундан устун эмаслиги, фуқароларга қонунларга итоаткорлик ва ҳурмат руҳини синдириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, конституциявий шикоят институти муҳим демократик институт сифатида Ўзбекистоннинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”, “Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси” каби халқаро нуфузли рейтингларда ўрни яхшиланганига имкон беради.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоламоқда. Барча соҳалардаги ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатланган давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланди. Бу янгиликни давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқиб бораётган амалий фаолиятимизнинг оқибот ҳамжамияти томонидан эътирофи сифатида баҳолади.

Буёқ бобомиз Амир Темурнинг “Қарда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади” деган сўзлари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Дарҳақиқат, давлат бошқарувининг асосий принципларидан бири бўлган қонунийлик принципини қарор топтириш кундалик ҳаётимиз заруриятига айланиши лозим.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲАМ ҚИШИ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



САЙЁҲЛИК Йўналишидаги энг йирик лойиҳа

Бошланиши 1-бетда

Қашқадарёда умуммавсумий курорт мажмуаси қурилади

Хув тепаликда миллираб, осилиб турган яхмалаклар кўёш тафтига чидай олмай кўз ёш тўқади. Ҳар томчи қўшилиб, ирмоқ бўлиб паства қўйилади. Жилгаларнинг майин қўшиги меҳмонга келган кишининг кўнгли турларини чертиб ўтади.

Бу ерда тонг ҳам ўзгача отади. Хуллас, минг бор эшитгандан кўра, бир бориб кўрган афзал. Авваллари қанчалик ҳавас қилманг, бу манзилга боришинг ўзи бўлмасди. Йўловчининг камида икки-уч кунни йўлда ўтиб кетарди. Шу боис, ҳар ким ҳам бу томонларга боришга ошқоқвермасди. Бугун эса айнан сайёҳлар учун қулайликлар яратилиши борасида катта ишларга қўл урилмоқда.

Шахрисабз туманидаги Фелон қишлоғидан бир оз тепаликдаги Ҳазрати Султон ва унга ёндош бошқа қўққиларни доим музикалар қоплаб туради. Тўрт фаслда ҳам бу жойда қилм бир хил. Шунингдек, тоғ адирликлариде даярли йилнинг саккизи олдига қор сақланади. Бу эса қишки спорт турларини, аниқлиқ, тоғ чангиси спортини ривожлантириш учун қулай. Лекин бу имкониятдан шу пайтга қадар фойдаланилмади. Энди эса шу имкониятлар ишга

солиниб, ҳудудда туризм хизматлари йўлга қўйилади. Президентимизнинг жорий йил 5 декабрдаги “Фелон туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам айнан Фелон қишлоғида қатор туризм объектларини бунёд этишга асос бўлади.

Жумладан, 2023 йил 4-6 октябрь кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган III халқаро қарор қилди. Шунингдек, лойиҳа доирасида инвестор томонидан дастлабки баҳолаш бўйича жами 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши ҳамда лойиҳа 2024-2030 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилиши, бунда 2027 йил 1 январга қадар биринчи босқичда инвестор томонидан 100 миллион доллар миқдорда инвестиция киритилиши режалаштирилган. Бу эса юқоридеги қарор билан тасдиқланди.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатга кўра, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Шахрисабз туманида умумий майдони 2,9 минг гектар бўлган ҳудудда “Фелон” туристик-рекреацион зонасини ташкил этадиган ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳақида давлат муассасаси шаклидаги “Фелон” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси тузилди.

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгличар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектларни ҳамда муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилди.

— Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, “Фелон” туристик-рекреацион зонасида “Фелон” халқаро умуммавсумий курорт мажмуаси ташкил этилиши натижасида келгусида бир вақтнинг ўзиде 7 минг сайёҳни қабул қилиш имконияти яратилади, — дейди Қашқадарё вилояти Туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғолиб

Аллабердиев. — Шунингдек, лойиҳа доирасида дастлабки босқичда Фелон ва Сарчашма маҳалларини ҳудудда 5,9 километр гондолали дор йўли, 4 та тоғ чангиси йўли, 35 та вила, 1 та ташриф маркази, тўрт юлдузли меҳмонхона, 5 қаватли автотурагоҳ, ресторанлар, вертолёт майдончаси ҳамда болалар шаҳарчаси ва дарё бўйлаб йўлаклар барпо этилади.

Кейинги босқичларда эса 3,8 километр ўриндиқли ва 2,9 километр гондолали дор йўли, 21 та тоғ чангиси йўли ҳамда 3 та меҳмонхона, 2 та ресторан, 75 та вила, СПА комплекс, кузатув минораси, аттракционлар қурилади.

2025 йилда қишки спорт турларини ривожлантириш мақсадида тоғ чангиси ва сноуборд мактаби ҳамда тоғ чангиси ва сноуборд бўйича олимпиа заҳиралари мактаби барпо этилади.

Туристик зонадаги лойиҳалар, асосан, Россиянинг “Казанские канатные дороги” ва “Сноу сервис” компаниялари таъсисчилигида ташкил этилган “All season resort Gelon” хорижий компанияси томонидан амалга оширилади. Айни пайтда хорижлик инвестор лойиҳанинг мастер режа-

сини ишлаб чиққан бўлиб, бугунги кунда бош режа устида ишламоқда. Тез орада қурилиш бошлаб юборилади.

Қарорга асосан, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда туристик зона ҳудудидаги ер участкалари, бино ва иншоотлар ҳамда даракт ва буталар тўлиқ хатловдан ўтказилиши, мавжуд даракт ва буталар белгиланган тартибда муҳофазага олинishi қайд этилган. Шу билан бирга, уч ой муддатда ер участкалари олиб қўйилиши ва бино ҳамда иншоотлар базулиши натижасида ҳудуд мулкдорларга етказилган зарар миқдори аниқлик киритилиши, баҳолаш ишларини ташкил этиш учун зарур ҳужжатлар, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами тайёрланиши, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилиниши ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар экспертизадан

ўтказилиши, ер участкалари олиб қўйилишидан аввал мулкдорларга компенсация тўловлари тўлиқ ҳажмда тўлаб берилиши таъминлаш кўрсатиб ўтилган.

Бунда, асосан, ер участкалари эгаларига етказилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаб берилади. Туристик зона ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар учун ажратилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини ўрни қоплаш бўйича компенсация тўловлари лойиҳа ташаббускорлари томонидан қоплаб берилиши ҳам аниқ белгиланган.

— Йирик лойиҳанинг амалга ошириши натижасида ҳудуд аҳолисининг иш билан таъминланиши даражаси ошади, — дейди Ғ.Аллабердиев. — Бундан ташқари, маҳаллар ободлигини амалга ошириш ҳам режага киритилган. Хизматлар соҳаси ривожлантирилади. Автомобиль йўллари яхшиланади. Жумладан, умумий узунлиги 57 километр бўлган 1 та умумфойдаланув ва 2 та ички хўжалик йўллари 4-тоифадан 3-тоифага туширилади.

Умумий узунлиги 33 километр бўлган Ҳисорак — Фелон, Ҳисорак — Сарчашма автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўлининг 30 километр қисmini учинчи тоифадаги йўл даражасига етказиш бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Мираки — Ҳисорак автомобиль йўли икки тасмали қилиб учинчи тоифадаги йўл даражасига етказилади.

Яна бир муҳим жиҳати, Фелонга “Яшил маҳалла” мақоми берилади. Бунинг учун экологик талабларга жавоб берадиган ҳаракатлиниш воситаларини йўлга қўйишга эътибор қаратилади. Кичик ГЭСлар бунёд этилади. Маҳаллий аҳоли даромадини ошириш учун турли маиший хизмат шохобчалари, умумий овқатланиш, савдо, кўнгличар, хунармандлик объектлари барпо этилади.

Сирасини айтганда, юқоридеги қарорга асосан, тоғли ҳудуд ободлигига эътибор қаратилади. Шу билан бирга, фойдаланилмай ётган имкониятлар ишга тушиб, аҳолининг бандлиги таъминланади. Вилоятга хорижлик сайёҳлар оқими ортиб, туризм соҳаси янада ривож топади.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ ЎЗГАРАЁТГАН ШАРОИТ

Зиммамизга катта вазифа ва масъулият юкламоқда



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Бетонланган канал ҳам сув тежайди, ҳам энергия ҳосил қилади

Ҳаётимизда беқиёс аҳамиятга эга бўлган сувга муносабатни ўзгартириш нафақат уни тежаш, балки бошқа кўплаб глобал муаммоларга ечим бўлиши мумкин. Ваҳоланки, маълумотларга кўра, бугун 80 фоизга яқин оқова сув тозаланмасдан дарё ва денгизларга, ҳатто чучук сув ҳавзаларига оқизилмоқда. Бу эса шундоқ ҳам чекланган чучук сув манбалари қисқаришига олиб келмоқда. Дунё аҳолисининг 29 фоизи тоза сув етишмаслигидан азият чекаётгани ҳам ташвишли ҳол. Шуларни инобатга олиб, сувдан оқилана фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ҳаётни яхшилаш, узоқ умр кўриш ва бошқа табиий ресурсларни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йил 7 ноябрь кунини давлатимиз раҳбари раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилана фойдаланиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиб, 450 миллион куб метр сув иқтисод қилингани қайд этилди.

Жойларда ҳали бетонлаш зарур бўлган 18 минг километр магистрал ва 94 минг километр ички каналлар бор. Энди савол туғилади: нега Ўзбекистонда кейинги йилларда сув масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти? Деярли ҳар бир йиғилиш, ҳудудларга ташриф асосида давлатимиз раҳбари сув ҳаёт-мамат масаласини эканини қайта-қайта таъкидлаётми? Чунки сув тақчиллиги дунё ҳамжамиятини бирдек ўйлантирмоқда. Жиддий ташвишга солмоқда. Муаммо тобора кескин тушмоқда. Бундай шароитда, табиийки, мамлакат келажаги ва халқ фаровонлигини ўйлаган раҳбар бевозта бўлади. Муаммога ечим топишга ҳаракат қилади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 20 ноябрдаги йиғилишида яна бир бор сув тежамкорлигига тўхталгани ушбу масала Ўзбекистонда доимий назоратда ва эътиборда эканини аниқлади. Давлатимиз раҳбари келгуси йилда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонини 2 қарра кенгайтириш, бунинг учун 5 триллион сўм, каналларни бетонлаш учун 800 миллиард сўм йўналтирилишини айтди.

— Курғоқчил минтақада, океан ва денгизлардан анча олисда жойлашган Ўзбекистон учун сувнинг аҳамияти бениҳоя катта, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг замонавий сўғориш агротехнологияларини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Қўзиев. — Шу боис, юртимизда бу борадаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Амалий ҳаракатлар

кўлами кенгаймоқда. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жорий йилда каналларни реконструкция қилиш доирасида камиди 1,5 минг километр узунликдаги йирик каналларни бетонлаштириш ишларини якунлаш белгиланган. Бу каби ишлар ҳаётини зарурат ва чора. Чунки сўнгги йилларда юртимизда сув тақчиллиги тез-тез сезилмоқда. 2000 йилга қадар ҳар 6-8 йилда сув тақчиллиги кузатилаган бўлса, охириги вақтларда бу ҳолат ҳар 3-4 йилга тўғри келяпти. Сув ресурслари тежалмаса, оқар сув оқилана бошқарилмаса, яна ўн-ўн беш йилдан кейин бизда сув тақчиллиги янада ўткир муаммога айланади. Бундан, айниқса, қишлоқ хўжалиги жиддий зарар кўради. Чунки юртимизда сув энг кўп талаб қилинадиган соҳа шу. Жами ишлатилмаган сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 29 ноябрь кунини бўлиб ўтган йиғилишида ҳам бу борада фавқулодда иш услубига ўтирилиши таъкидлаган, бунда канал ва ариқларни бетонлаш биринчи муҳим вазифа этиб белгиланган эди. Ҳисоб-китобларга кўра, бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр ёки 36 фоиз сув ҳеч қандай иқтисодий самарасиз исроф бўлади. Умуман, сув йўқотишлари оқибатида иқтисодий юртимизда йилга 5 миллиард доллар даромад бой берилмапти. Шу боис, 2025 йилдан бошлаб камиди 2 минг километр каналларни бетонлашга ўтилади.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумоти кўра, жорий йилда қилинган ишлар тўғрисида бетонланган каналларда сувнинг филтрацияси кескин камайиб, бошқариш тизими такомиллашди, 300 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди ҳамда каналларда йилга ўртача 450 миллион куб метр сув йўқотилиши камайишига эришилган.

Мисол учун, 2024 йилда Олот туманидаги 5 та каналнинг 21 километр қисми бетонлангани билан сувнинг ерга шимилиб кетиши кескин камайиб, 11,2 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди. Ваҳоланки, ушбу ерларнинг 3 минг гектарига сув этиб бориши жуда қийин эди.

Жиззах вилоятидаги “ДМ-1”, “ДМ-2” ва “ДМ-3” каналларининг 29 километри бетонлаштирилиши ҳисобига сув оқими тезлашди. Аввал 3-4 кунда этиб борган бўлса, энди бир кеча-кундузда охириги қулқоқдаги фермер эканини сўғоришга киришляпти. Сувнинг тез келиши сўғориш мавсумида ниҳоятда муҳим.

Айриқлар каналларни бетонлаш жуда қиммат, катта маблағ талаб этиладиган жараён дейди. Лекин бунинг ортидан эришилган натижани кўргач, бу хулосадан қайтиш мумкин. Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи тобора долзарб бўлиб бораётган ҳозирги шароитда эса унинг аҳамияти янада ортаверади.

Бетонланган каналларда сув оқими тезлашиши кичик ГЭСлар қуриб, электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шу кунларда Навоий вилоятида 11 мегаваттлик 148 та шундай станция қуриш ишлари бошланган. Умуман, мамлакатимизда 2 мингта микро ГЭС қуриб, йилга қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин. Бу “яшил” иқтисодийнинг муҳим бўғини “яшил” энергиядан фойдаланиб, сифатли ва табиий маҳсулот етиштиришда айна мудоа. Бундан ташқари, ушбу энергияни аҳолига сотиш ҳам мумкин. Мана сизга қишлоқ хўжалигида бир қарашда соҳага дахлдор бўлмаган, лекин айна пайтда ҳаётини заруратга айланиб бораётган тармоқ орқали даромад топишнинг қўшимча манбаи.



“2017 ЙИЛГА ҚАДАР СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ, КАТТА МАЙДОНЛАРГА ўРНАТИШ БИЛАН БОГЛИҚ ҚАТОР МУАММОЛАР САҚЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ЭДИ. БИРИНЧИДАН, ТОМЧИЛАТИБ СўГОРИШ ТИЗИМИ ЖИХОЗ ВА УСКУНАЛАРИ НАРХИ АНЧА ҚИММАТ БўЛИБ, УНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ҲАММА ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ҲАМ ҚўРБИ ЕТМАСДИ.”

фойдаланиш, ҳисобини юритиш, ирригация тармоқларида тежамкор янги технологияларни қўллаш каби чораларни тадбирларни кўриш зарурати мавжуд эди.

2017 йилга қадар сув тежовчи технологияларни қўллаш, катта майдонларга ўрнатиш билан боғлиқ қатор муаммолар сақланиб келаётган эди.

Биринчидан, томчилатиб сўғориш тизими жиҳоз ва ускуналари нархи анча қиммат бўлиб, уни харид қилишга ҳамма деҳқон ва фермерларнинг ҳам қўрби етмасди.

Иккинчидан, бундай жиҳозларнинг кўп қисми хориждан олиб келинар, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун эса қўшимча имтиёзлар берилмаганди. Қолаверса, деҳқон фермерларимизда томчилатиб сўғориш тизимини жорий этиш билан боғлиқ билим ва кўникма ҳам етишмас эди.

Бугунга келиб, Ўзбекистон бу борада ўзига хос тажрибага эга давлатга айланган. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Марказий Осиёда биринчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринда эътироф этилиши шунчаки гап эмас. Буни тизим фаолиятини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг, узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсатнинг самарали меваси дейиш мумкин. Лекин бу билан тўхтаб қолмаётгани йўқ. Бу мумкин ҳам эмас. Соҳага янги инновацион технологиялар, илғор тажрибалар татбиқ этиляпти, оммашайтириляпти.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда сув тақчиллиги кузатилаётгани бор гап. Республикаимиз бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ҳар йили ўртача 40-41 миллиард куб метр сув сарфланмоқда. Шу сабабли соҳага хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сув ресурслари ҳисобини реал вақт режимида юритиш ҳамда бошқарувини рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз 7 ноябрь кунини бўлиб ўтган йиғилишида айнан бу борадаги янгиликлар, эришилаётган ижобий натижалар хусусида гапирди. Дўстлик туманини мисол қилиб келтирди. Гап шундаки, Дўстлик туманида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда сув бошқаруви “ақлли” тизимга ўтказилган. Худудда жами 115,8 километрни сўғориш тармоғи мавжуд бўлиб, 33 минг 458 гектар экин майдонига хизмат қилади. Ушбу майдонни сўғориш учун ҳар йили ўртача 275 миллион куб метр сув сарфланади. Ана шу сув сарфини автоматик тарзда масофадан бошқарилмоқда. Бунинг ортидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сув ресурслари

ҳисоби шаффоф юритилади. Экинларнинг сувга талабидан келиб чиқиб, истеъмолчилар ўртасида тенг тақсимланади, фермер деҳқон хўжалиқлари ва бошқа истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ресурслари учун шаффоф солиқ базаси шакллантирилади. Туманда сув ресурсларини бошқариш тўлиқ хусусий секторга ўтказилиб, давлат бюджетидан ҳар йили сўғориш тармоқлари эксплуатациясига кетадиган маблағ иқтисод қилинади.



Нафақат маблағ, балки сув сарфи 25 фоизга тежайди. Ушбу тажриба юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўлланади.

Бу бир лойиҳа, лекин давр тақозо этаётган тажриба. Биргина шу тажрибанинг ўзидан кўп нарсани аниқлаб олиш қийин эмас. Аввало, бу энди аввалгидек ариқларимиз, каналларимиз сувга тўлиб оқмаслиги мумкин, дегани. Бунга бугунги экологик, табиий шароит йўл қўймайди. Сувни беҳуда оқизиб қўйиш ҳам бўлмайд.

Талаблардан яна бири — озиқ-овқат хавфсизлиги

Томчилатиб сўғориш, каналларни бетонлаш ва ишлов беришнинг замонавий усуллари давр талаби. Бу 15-20 фоиз сувни тежаш ва ҳосилдорликни 1,5 баробар ошириш имконини беради. Янги ер майдонларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун киритилаётгани, интенсив бог ва тозорлар барпо этилаётгани маҳсулотлар етиштириш имкониятини оширмоқда. Шу боис, яқин йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар, экспортни 5 баробар кўпайтиришни кўзлаб олади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 20 ноябрдаги йиғилишида қайд этганидек, олимизда бу борада қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Аҳоли сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади.

Сув ресурсларини барқарор бошқариш қишлоқ хўжалиги ривожини қалитидир. Мамлакат сув ресурсларининг салмоқли қисми трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўғри келади. Бу эса сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва замонавий сўғориш технологияларига сармоя кириштириш аҳамиятини оширади.

Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер чеклангани эса алоҳида масала. Мамлакатимиз ҳудудининг бор-йўғи 10 фоизга яқини ҳайдаладиган ердан иборат. Бу аҳоли жон бошига тахминан 0,12 гектарни ташкил этади. Шу боис, атроф-муҳитга етказилган катта зарар, тупроқ таркибининг бузилиши ва биологик хилма-хиллик йўқолиши каби ҳолатлардан тўғри хулоса чиқариб ишлаш вақти аллақачон этиб келган.

Президентимиз Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирида иштирок этиш чоғида “Халқимиз табиатини “она” дейди, ерни, сувни эъозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик” дегани ва бу борада шахсан ўзи ташаббус кўрсатгани барчани табиат неъматларини асраб-авайлашга, бефарқ бўлмастикка ундайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги одамларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ. Бу барқарор, адолатли ва бардошли тизимларни яратиш, дегани. Ер деградацияси, сув тақчиллиги, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, глобал ва табиий муаммолар эса ишларга сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Бутун бутун дунё, жумладан, юртимизда ҳам содир бўлаётган иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг тобора танқислашуви, чўлашув даражасининг ортиши кўп тармоқли аграр соҳа меҳнатқашлари ва олимлари олдига кўплаб муаммолар ечимини топиш масаласини қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари 25 ноябрь кунини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пахта ва галла ҳосилдорлигини ошириш бўйича тақлифлар тақдими билан таниши чоғида ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратди. Ер ва сув манбалари эса чекланган. Шу боис, ички бозор барқарорлигини омилкорлик ва ҳосилдорлик орқали таъминлаш мумкинлигини айтди.

Келгуси йили 4 миллион 800 минг гектарда экинлар етиштириш мўлжалланган бўлса, шундан 2 миллион гектардан зиёда мева-сабзавот, картошка, дуккакли ва полиз маҳсулотлари экилади. Уларнинг далаларда жойлаштирилиши ва ҳосилнинг захирага жамланиши мониторинг қилиб борилади. Бирламчи зарур бўлган 10 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тизимли ҳисоб-китоби юритилади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги фаворонлик кафолати, иқтисодий барқарорлиги асоси. Ўзбекистонда табиий ресурслар, жумладан, сув ва ердан унумли, оқилана фойдаланишга қаратилаётган эътибор бунга пухта замин яратади. Бўлмаса, ўзгараётган иқлим, табиат билан муро са қилишнинг бошқа йўли йўқ.



Муносабат



Шухрат СИРОЖИДИНОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Бошланиши 1-бетда

Демак, маънавият ва иқтисодий кушнинг икки қаноти, десак бўлади ва уларни бир-биридан ажратиб таҳлил этиш мушкул. Олимлар эконометрик модель ва усуллар орқали мамлакатлар иқтисодига таъсир этадиган омилларни, жумладан, маънавиятнинг унга таъсирини аниқлашган. Улардан асосийларини танлаб, иқтисодий ўсишга компьютер дастурлари ёрдамида ечим топиш борасида тадқиқот ўтказадиган марказлар жаҳонда талайгина. Биз янги маънавият методологиясини яратишда мана шундай тажрибаларни ҳам ўрганиб чиқишимиз, лойиҳаларимиз билан юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшимиз керак.

Президентимиз янги Ўзбекистоннинг келгусидиги пировард мақсади ёшларни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, илм-фан, ахборот технологиялари, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш ҳамда бунинг учун ҳеч нарсага аямас, бор куч ва имкониятлар сафарбар этилишини қайд этар экан, "Бугун фақат мана шундай илгор ёшларга, мана шундай жонқуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий маданиятини таъминлашга эриша олади", дея таъкидлади.

Бугун ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, интеллектини намоён қилиши, таҳлилий фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароит яратиш бўйича

Бугун ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, интеллектини намоён қилиши, таҳлилий фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароит яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Дунё тажрибасида илмий тадқиқотлар, ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилди. Биз ҳам илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали иқтисодий ўсишга эришамиз.

салмоқли ишлар қилинмоқда. Дунё тажрибасида илмий тадқиқотлар, ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилди. Биз ҳам илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали иқтисодий ўсишга эришамиз. Иқтисодий барқарорлик маънавият юксалишига ва ўз навбатида, янги маънавият барқарорлиги таъминлашга хизмат қилади. Улар бир-бирига боғлиқ, Демак, иқтисодий жамият танасининг қони экан, унинг меърида айланиши ёхуд ўсиш суръати кучли маданият шаклланишига хизмат қилади. Худди шунингдек, жамият танасининг руҳи тетик ва соғлом бўлса, иқтисодий барқарор ривожланади. Фақат ана шу жараёнларни ўрганадиган илмий методология яратилиши, компьютерларда "қон" таркибини таҳлил этадиган ҳамда жамият "жони ва руҳи"ни кардиограмма қилдирган усуллар яратилиши лозим. Унда маънавиятнинг иқтисодийта қанчалик хизмат қилаётгани ва ақсинча, иқтисодийнинг инсонлар таваққури, онги ва маданиятига таъ-

топиши баробарида нуфузли халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичида ҳам юқори ўринда қайд қилинмоқда. Нима учун халқаро рейтинг ва индексларда қайд этилган натижаларга алоҳида эътибор қаратилми? Сабаби, бундай кўрсаткичлар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этади. Улар аҳоли турмуш даражаси, барқарор иқтисодий ўсиш каби муҳим жиҳатларнинг кўзгусидир. Президентимиз жорий йил 19 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ялпи йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида урғу берди. Кенг қўламли демократик ислохотлар туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бораётгани таъкидланди. Натижалар ҳақиқатан ҳам биримизнинг қалбимизга мамнунлик бағишлайди. Ахир мамлакатимиз рейтингни қонун устуворлиги бўйича 8, электрон ҳуқуқат бўйича 18, иқтисодий эркинлик бўйича 49, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқорига кўтарилгани кичкина натижа эмас. Албатта, бундай

2024 йил 12 декабрь, 252-сон



МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ ИККИ ТАЯНЧ УСТУН

сирини тизимли миқдорий аниқлаш имконияти яратилади, танга "таъхис" қўйиш ва уларга киритилётган инвестиция самардорлиги ўлчанади. Бу эса турли мутахассислардан иборат тадқиқот гуруҳларининг фаолият юритишини талаб этади.

Утаётган ҳар бир давр ўзининг хулосасини беради. Шу маънода, кейинги йиллар тажрибаси ҳар бир йилимиз улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, давлат ва жамиятни янада ривожлантириш борасидаги билиму тажрибаларимизни бойитиш борасида янги босқич, юксалиш даври сифатида тарихга муҳрланмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳол.

Давлатимиз раҳбари бугун дунёнинг сиёсий ва иқтисодий манзараси кескин ўзгариб бораётгани, шундай вазиятда жаҳон саҳнасида ўз ўрнини сақлаб қолишимиз учун қандай ҳаракат қилишимиз керак, деган масалага алоҳида тўхтади: "Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз муҳофаази нафақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб биладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир". Мана шундай вазиятда қандай кучга таянишимиз лозимлиги ҳам таъкидланди. Бунинг учун ягона ватан, кўпмиллатли ягона аҳли оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши керак. Бу кучли ирода, бирлик ва ҳамжихатлик, қаттиқ меҳнат дерақидир. Мана шу энгилмас кучлар билангина тинчлик ва тараққиётни таъминлай оламиз.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида жадал давом этаётган янгилик ва бунёдкорлик ишлари натижаси халқимиз ҳаётида ўз ифодасини



кўрсаткичлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бу аниқ белгиланган стратегия, қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамияти ва энг асосийси, эртанги кунга ишонч билан яшайдиган халқ бирдмелиги натижасидир. Ҳар бир мамлакат қандай сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларни амалиётга жорий этишидан қатъи назар, барча мақсади халқ манфаатига — аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, етакчи мамлакатлар сафидан жой олишга қаратилган. Аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши бевоусита иқтисодий чаршиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самардорлиги, илмий-техник тараққиёт, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби

билан бир қаторда ҳуқуқат қабул қилдиган чора-тадбирлар ҳамда амалий ҳаракатлар натижасига боғлиқ. Ингиллишда давлатимиз раҳбари қайд этган рақамлар фикримиз исботи: "Барча имкониятларни ишга соғланмиш туфайли бу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда". Бу каби савий-ҳаракатлар жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, халқ фаровонлиги учун яратилган имкониятларни акс эттиради. Мамлакатимиз барча соҳада салмоқли ютуқларни қўлга киритаётди. Муҳими, муваффақиятларимиз давом этмоқда. Албатта, бу натижалар замирида

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР ДАВР ЎЗИНИНГ ХУЛОСАСИНИ БЕРАДИ. ШУ МАЪНОДА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАР БИР ЙИЛИМИЗ УЛКАН ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ БИЛИМУ ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ БОЙИТИШ БОРАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ, ЮКСАЛИШ ДАВРИ СИФАТИДА ТАРИХГА МУҲРЛАНМОҚДА. БУ, АЛБАТТА, ИЖОБИЙ ҲОЛ.

оширилади. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилади. Камбағалликни қисқартриш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланади.

Аслида, бу йўналишдаги хайрли ишларнинг ҳуқуқий асоси янги таҳрирдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган. Бепул умумий ўрта таълим, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида бепул олий маълумот олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган, алоҳида эҳтиёжларга ва индивидул имкониятларга эга болалар учун инклюзив таълим-тарбияни ташкил этиш янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мажбурияти сифатида қайд этилган. Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, таълим олишни давом эттиришини кафолатлаб, таълим муассасалари ва ташкилотларнинг хуsusий ва бошқа шакллари ривожлантириш учун тенг шароит яратиш назарда тутилган. Қўрилатган чора-тадбирларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, юртимизнинг ижобий имижини мустаҳкамлаш ва айнан маданиятимиз, санъатимиз орқали ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш асосий вазифамиздир. Президентимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаб, барча соҳа тараққиётини юксак чўққиларга олиб чиқишда яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланамиз.

Мурожаатномада тараққиётимизнинг янги босқичидаги режалар белгилаб берилади. Биз, депутатлар унда келтирилган вазифаларнинг барчасини амалга ошириш, илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни ҳаётга изчил татбиқ этишга тайёремиз. Бунга салоҳиятимиз ҳам, қўрбимиз ҳам етади. Мурожаатномани яна бир бор чуқур ўрганиб, зарур чора-тадбирларни белгилаб олган ҳолда улгувор вазифалар, йўналишлар ҳамда топшириқларни амалга оширишга ҳисса қўшамиз.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

КАДРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ амалиёт жараёнини тўғри ташкил этишга боғлиқ



Шавкат ҲАСАНОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Ёшларга сифатли таълим бериш, қолаверса, соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самардорликни ошириш мақсадида институт 30 дан ортқ йирик корхона ва ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйган ва шартномалар тузган. Мутахассислик кафедраларининг қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларида кафедра филиали ва ўқув марказлари очилган. Уларда таълим мутахассисликларининг ўқув режасига мувофиқ мутахассислик фанларидан амалий машғулотларнинг 50 фоизи 5+1 дастури доирасида илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилмоқда.

Масалан, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, агрохизматлар маркази, Жомбой ўсимликлар клиникаси ва биологларнинг маркази, Пахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси, Сабзавот, полиз эканлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси шулар жумласидан. Бундан ташқари, ўсимликлар қарниги ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Самарқанд филиали, "Samo agro" МЧЖ, "Zarafshon Lohman Pattanda" МЧЖ ҚҚ, "PURE MILKY WORKS" МЧЖ, "Жомбой Агробио сервис" МЧЖ, "Ўзбегим агро" Ўзбекистон — Германия МЧЖ йирик пахта-тўқимачилик кластери ҳамда йирик қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари, агрокластерлари ҳамда илгор

Камолот пиллапоёси

Ҳар бир давлатнинг истиқболи илм-фан, техника, таълим тараққиёти ва баркамол кадрларни вояга етказишга боғлиқ. Малакавий амалиёт олий ўқув юртидаги таълим-тарбия жараёнининг давоми сифатида назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда мазкур билим, кўникма ва малакани бевоусита ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш имконини беради. Ўқитиш самардорлигини амалиёт билан мустаҳкамлаш борасида Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида қатор ишлар бажарилмоқда.

фермер хўжаликларига ҳам талабаларимизнинг амалиёт ўташига шароит яратилган. Жорий йилда институтининг қарийб 200 га яқин талабаси 10 дан ортқ ривожланган мамлакат, хусусан, Германия, Буюк Британиядаги йирик корхона ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган амалиётни ўтаб қайтди. Бу жараён талабаларга замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари билан танишиш имконини беради. ГПС тизимли тракторлар, дроилар ва сенсорлар ёрдамида ерни назорат қилиш, ҳосилдорликни оширишга қаратилган илгор биотехнологиялар ва "ақли" сурғиш тизимларининг афзалликлари ўрганилди. Амалиёт



давомида талабалар ишлаб чиқариш самардорлигини оширувчи автоматлаштирилган ускуналар билан ишлаш тажрибасини ўрганди. Ривожланган давлатларнинг экологик тоза ишлаб чиқариш ва органик қишлоқ хўжалиги усуллари билан яқиндан танишди. Улар нафақат илгор технологиялар, балки қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлди.

Талабалар Германиянинг рақамлаштиришга асосланган фермер хўжаликлари билан яқиндан танишди. Амалиёт давомида маълумотларни таҳлил қилиш, аниқ режалаштириш ва замонавий технологияларни самарали қўллашни ўрганди. Замонавий ҳосил йиғувчилар, тупроқни зарар етказмасдан қайта ишлайдиган ускуналар ва ресурстежамкор тизимлар уларда катта қизиқиш уйғотди. Талабалар орттирган тажрибаси орқали замонавий қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежаш ва экологик масъулиятни таъминлаш бўйича янги ғояларга эга бўлди.

Бу каби амалиёт ўтаган ёшлар келгусида соҳа ривожига ҳисса қўшиш билан бирга илм-фаннинг янги-дан қириб келаётган ютуқлари, техника ва технологияларни тез ва осон амалиётга татбиқ этади. Келгусида ҳам олийғоҳда таълим сифатини оширишнинг самарали усуллари қаторида талабаларнинг назарий билимларини ишлаб чиқаришда амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш ҳамда илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштирган малакали мутахассисларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралади.

Шукроналик

Болалик дамларим яхши ўтган, дея мақтана олмайман. Рости, у пайтлари бегубор болалик деган нарсанинг ўзи бўлмаган. Хали-ҳамон едимдан чиқмайди. Айни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар эди. Отам ҳам эрта вафот этгани боис, ёлғиз онам қарамоғида қолиб кетганмиз. Мен олти ёшда, опам саккизда эди. Далага тонг сахардан бошоқ тергани ошмакми. Кун давомида бир этак бошоқ териб келсак, шу кунни байрам. Гоҳида шудгордаги кесакка бош қўйиб ухлаб қоламан. Опам иккимиз кечга қадар холдан тойиб уйга қайтаемиз. Биргина бизнинг оиламизда эмас, барча хонадонларда шу ҳол эди.

ЮРТ ОРИ, МИЛЛАТ ФАХРИ УЧУН ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙМИЗ



Абдурашид МИРЗАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Турмуш муштдан қаттиқ. Очарчилик деган бало ҳамда жойда ҳукмрон. Кимнинг бир бурда нони борки, ундан бахтли одам йўқ. Бир сафар бугдой даласида бригадир қўлга тушиб қолдим. Бу ҳали ёш бола-ку, деб ҳам ўтирмади. Қамчишининг зарби хали-ҳамон елкамини зирқиратиб туради. Эсласам, кўзимга ёш келади. Бисотимизда биринча очки бор эди. Шунинг боғиш учун далага етаклаб чиқардим. Қўлкам пайтлари уч-тўрт тенгдоним билан кураш тушарди. Бизга биров кураш усулларини ўргатмаган. Хо-зиргидек шинам спорт қошоналари қайда эди! Ҳар сафар бугдой тикилган қўлгаимни йиртиб келиб, онамдан дакики эшитардим. Бир кунни кечаси шу эчкимизни ҳам ўтириб кетишди. Онам бечора анча вақтгача йиғлаб юрди. Шундан сўнг кураш тушишдан ҳам маҳрум бўлдим. Орадан вақт ўтиб, ўзимча катта чемпион бўлиш ишти-ғида ҳаракат қилдим. Вилот мусобақаларидан нарига ўтишга йўл беришмади. Энди орзуларим саробага айланаркан, миллий курашимиз ҳам шу ҳолда унутилиб кетаркан деб ўйлагандим. Шукрки, истиқлол туфайли барчаси

қайта тикланди. Бундан ғурурланиб, нафақага чиққан бўлсам-да, енг шимариб майдонга чиқдим. Кураш гиламида кўкрагимга овозлик шамолни тегиб, ўзимни қўшдек енгил ҳис қилдим. Бир неча бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритдим. Фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони, деган номга сазовор бўлдим. Спортнинг ортидан кекса ёшимда дунё кездим. Ўзбек кураши қандай эканини жаҳон спорт ареналарида мақтаниб, мағрурланиб кўрсатишдан чарчамдим. Шогирдларимнинг саноғи йўқ. Улар бугун мамлакатимизнинг турли худудларида курашни тарғиб қилишда ҳисса қўшмоқда. Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози" унвони медалини кўксимга тақиб қўйганда эса барча армонларим шу дамда унутилгани ҳам рост.

Бугун бутун дунё бизнинг миллий курашимизга қизиқмоқда. Ўрганишга интиломоқда. Жаҳон майдонларида "халол", "ёнбош", "чала" каби соф ўзбекча сўзлар баралла янграмоқда. Шу орқали ҳам ўзбекчани, ҳам халолликни ўргатаётганимиз ҳам сир эмас.

Бошқа спорт турлари ҳам кам бўлаётгани йўқ. Ёшларимиз қайси спорт турин билан шуғулланоқсий бўлса, барчаси учун имкониятлар эшити катта очилган. Қизиқиши бўлса бас. Ўз иқтидорини намоён қилиб, Олимпиада сари отланаман, деса-да йўл очик.

Жорий йил ёзи Олимпиада ўйинларини катта ҳаяжон билан кузатиб бордим. Ҳар бир спортчимизнинг чиқшини қолдирмасдан кўриб, оиласдан дуода бўлиб турдим. Айниқса, Дибраҳон қизимизнинг шижоати, мардонавор ҳаракатлари, галабога бўлган иштиёқи барчамизни ватанпарварликка чорлади. Олтин медални қўлга киритиб, шохсулага кўтариларкан, юртимиз мадҳияси куйлана бошлагач, ўзим сезмаган ҳолда ўрнимдан туриб, қўлимни кўксимга қўйган ҳолда қўшилиб айта бошладим. Кўзимга эса севинч ёшлари қўйилиб келяпти. Байроғимиз баланд кўтарилган. Бутун жаҳон спортчилари ўзбек қизига ҳавас ила боқмоқда. Бир пайт ўзимга келиб, ортимга қарасам, бири тўрт, бири беш ёшли набибарларим ҳам тик турган ҳолда қўлимни кўксига қўйиб турибди.

Бугун ёшим тўксонга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳамон кураш гиламидан тушганим йўқ. Ахир бундай замонада юрт ори, миллат фахри учун бир мuddат ҳам ҳаракатдан тўхташга ҳаққимиз йўқ. Қадди ва қадри юксалётган мамлакатимиз обод манзилга айланаётгани рости бўлсин. Қаддиган айланади, қадри баландим!

Ота-оналик Яратган томонидан инъом этилган энг юксак рутбалардан бири. Аммо беш қўл баробар эмас экан-да, сўнги уч йил мобайнида юртимизда 2072 нафар шахс суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бунга уларнинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортгани ёки болаларга нисбатан шафқатсизлик қилгани сабаб бўлган.



Тошкентнинг сўлим хиёбони. Хазонрез фаслида боғ аро сайрга нима етсин! Аммо нохуш бир манзара сабаб қалбда бош кўтариб келаётган ажиб ҳислар дафъатан хавотиру таъшишга алмашади. Узун йўлак четиди қирқни қоралаган эркак беш-олти яшар болага мушт дўлайтирганча бақираётир. Ота-ўғил бўлса керак. Ранглар болакай нозик кўлларини кулоқларига қўйганча қунишиб турибди. Эркак боланинг юзига илкис тарсаки тортиб юборди. У чўккалаб қолди. Жуссаси шундоқ ҳам ихчам ва заиф бола янада кичрайиб кетгандек. Ажабо, бу сабий хилкат ота бўлмиш “пахлавон”нинг қуноққондан чиққудек бўлиб ўқиришига лойиқ нима “гуноҳ” қилди экан?! Ҳўтан-кетганининг эса парвойи палак, “Ҳой биродар, нега норасидага бу қадар зугум қиласан?” деб сўрамоққа ҳафсала қилмайди биров...



Олимжон ДАВЛАТОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Қўл синса — энг ичида”ми?

Болага меҳр-муҳаббат кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Дунё ахли халқимизни болажон, оилапарвар деб билиши ҳам айни ҳақиқат. Ота-боболаримиз фарзандларини диндорлик деган алқаган, таъбир жоиз бўлса, кипригида кўтариб, воёга етказган. Жўмард оталаримиз, мунис-меҳрибон оналаримиз ҳатто бешикдаги боласини ҳам сизлаган, жигарбандига қўл кўтариш, ҳатто овозини баландлатиши ўзига номуносиб иш деб билган. Фарзанди учун жонини ҳам нисор этган, унинг бахту камоли йўлида сув келса симириб, тош келса кемириб яшаб ўтган ота-боболаримизнинг нури ҳаёт йўли, оқилона тарбия усули биз, авлодлар учун ҳаммаша ибрат ва намуна бўлмоғи лозим.

Яқин тарихни ёдга олсак. Иккинчи жаҳон уруши даврида, йўгон чўзилиб, ингичка узилган дамларда ҳам ҳазрати инсон мақомига содиқ қолган, турли миллатга мансуб ўн тўрт нафар етим болани асраб олган тошкентлик таълимчи Шоаҳмад Шомоҳмурдовнинг маънавий жасорати зарбулмасал бўлган. Урушдан оғир жароҳат билан қайтганига қарамай, қаровсиз қолган ўн уч болага оиласи бағридан жой берган самарқандлик Хамид Самадовнинг меҳру муруввати ҳам ибрату таҳсинга лойиқ.

Таассуфки, кейинги йилларда жамиятимизда болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатнинг турли шакллари кўзга ташланмоқда. Болаларга нисбатан жисмоний, руҳий, ҳатто жинсий зуравонлик акс этган, ижтимоий тармоқларда тарқалган лавҳалар ҳар бир юртодошимиз қалбига оғриқ, хавотиру ва нафрат уйғотаётгани сир эмас. Болажон халқимизга мутлақо ярашмайдиган бундай ҳолатлар билан асло мурося қилиб бўлмамлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Халқаро ташкилотлар тадқиқотларига кўра, сайерамиз бўйича бир миллиардга яқин бола жисмоний, жинсий, руҳий зуравонликка дуч келгани ҳолда жабрдийдаларнинг 80 фоизи бу ҳақда ҳеч кимга хабар бермайд.

ЮНИСЕФ ўтказган сўров кўрсатдики, мамлакатимизда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг учдан икки қисми (62 фоизи) зуравонлик билан тарбиялаш усуллари дуч келган. 2021 йилда воёга етмаганларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари сони 1831 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 2194 тага етган. Болаларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар кўлами эса 334 тадан (2021) 395 тага (2022) ортган.

Ота-оналик Яратган томонидан инъом этилган энг юксак рутбалардан бири. Аммо беш қўл баробар эмас экан-да, сўнги уч йил мобайнида юртимизда 2072 нафар шахс суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бунга уларнинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортгани ёки болаларга нисбатан шафқатсизлик қилгани сабаб бўлган.

Хавотирили жиҳати шундаки, жамиятимизда “Болаларга нисбатан зуравонлик — ҳар бир оиланинг ички масаласи”, деган янглиш қараш илдиш отмоқда. Шу маънода, айрим оилалар болалар жисмоний ёки руҳий зугум қурбони бўлган ҳолатларни “Бош ёрилса — бўрқ ичида, қўл синса — энг ичида” қабилида

ТОМОШАБИН БЎЛМОҚҚА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ИНСОНИЙ, ИМОНИЙ БУРЧИМИЗ

яширишга уринади, жамоатчиликка билдирмасликка ҳаракат қилади. Ҳолбуки, бу ҳуқуқбузарликларни на қонун, на дин ва на ахлоқ оқлайди.

Тарихий аҳамиятга молик қонун

Сўнгги йилларда юртимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маънан ҳамда жисмонан етук бўлиб воёга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оила муҳитида камол топиш фарзанднинг узвий ҳуқуқи эканини инобатга олган ҳолда, ижтимоий ҳимоя хизматларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбуздсмени), Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги янги замон талаблари асосида фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция доирасида ҳам болаларни турли кўринишдаги зуравонликлардан, инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шакллардаги муомаладан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо шиддаткор давр барча соҳаларда бўлгани каби болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимида ҳам қонунчилик тизимини такомиллаштириш, дунёнинг илгор давлатлари тажрибасини амалга таъбиқ этиш талабини кўймоқда. Кенг жамоатчилик вакиллари, соҳа мутахассислари таъкидлаганидек, болаларни зуравонликлардан ҳимоя қилишга доир мавжуд ҳуқуқий механизмлар ҳам етарли самара бермаётган эди.

Шу маънода, жорий йил 14 ноябрда Президентимиз томонидан “Болаларни зуравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун имзолангани тарихий ҳодиса бўлди.

Мазкур қонун жамиятда етилиб келган кучли эҳтиёж, жамоатчилик талаби ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида ишлаб чиқилди. У болаларни зуравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, бу борада давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Ҳозирга қадар қонунчилигимизда болаларга нисбатан зуравонлик тўла-тўқис таъриф, тавсиф ва тасниф этилмаган, бинобарин, унга қарши кураш механизмлари ҳам бўшлиқлар мавжуд эди. Янги қонунда жисмоний, жинсий ва руҳий зуравонлик, гамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ҳамда таъқиб этиш

ЗЎРАВОНЛИҚКА ҚАРШИ ШУНЧАКИ ТАРГИБОТ-ТАШВИҚОТ БИЛАН КУРАШИШ ВАКТИ ЎТДИ. ЮЗАГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ДАВЛАТ ЎЗ БИСОТИДАГИ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШНИ ТАЛАБ ЭТАЎТИР. ШУНГА КЎРА, ЭНДИ ЖАБРДИЙДАЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИШДАН ТОРТИБ, СОҒЛИҚ, ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИК, ОИЛА, ЁШЛАР ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШГА ҚАДАР КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



болаларга нисбатан зуравонликнинг шакллари сифатида аниқ белгиланди.

“Тиг яраси битида, тил яраси битмайди”, деган гап бор. Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда болаларни таъқиб этиш, таҳқирлаш, руҳий таъжовужкор таъсир ўтказиш каби иллатлар кўпаймоқда. Янги қонунга мувофиқ, телекоммуникация тармоқлари ва интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган шу турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳам болаларга нисбатан зуравонликлар сирасига киритилди.

Зуравонликка қарши шунчаки тарғибот-ташвиқот билан курашиш вақти ўтди. Юзага келган вазиият давлат ўз бисотидаги таъсир чораларини кўришни талаб этаётир. Шунга кўра, энди жабрдийдаларга ҳимоя ордери беришдан тортиб, соғлиқ, жинсий эркинлик, оила, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашга қадар кенг қўламли чоралар белгиланмоқда.

Тан олиш керак, шу вақтга қадар болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул идоралар асосан оқибатга қарши курашиб келди. Энди бу борада муаммонинг туб илдинини ўрганиш, шунчаки оқибат эмас, балки сабабларга қарши курашиш тизими жорий этилади. Қонунда болаларга нисбатан зуравонлик содир этганларнинг ҳулқ-атворини тузатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Жумладан, болаларга нисбатан зуравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил шахс зуравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

Ҳикматларда одамзоднинг дунёқарашини ўзгартириш тоғни жойидан силжит-

моқдан ҳам оғирроқ юмуш экани айтади. Жамиятимизда болаларга нисбатан зуравонликни ижтимоий норма деб ҳисоблайдиган, тарбияда жисмоний куч қўллаш зарур, деб биладиган оилалар ҳали-ҳануз бор. Шунга кўра, янги қонун билан ота-оналар масъулияти яна бир қарра оширилмоқда. Жумладан, ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш шартлиги, тарбияда жисмоний жазолаш таъқиқлашни белгиланмоқда.

Албатта, давлат ташкилотлари болаларга нисбатан зуравонликка муросясиз қайфиятда фаолият юритади. Масъул идоралар болаларни зуравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш учун тегишли ҳуқуқий, мамыурий, ижтимоий, психологик, тиббий кўмак кўрсатилади. Руҳий, жисмоний жароҳатнинг салбий таъсирини камайтириш, уларнинг соғлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, тўлақонли реабилитацияси учун керакли шарт-шароитлар яратилади.

Даҳолар қандай тарбияланади?

Ниҳоятда болажонлиги билан танилган халқимиз орасида тилига, қўлига, нафсига эрк бераётганлар қачон, қандай пайдо бўлди? Бу иллат “Троя оти” мисол қай вақт ораимизга суқилиб кириб олди ўзи?

Муаммонинг илдинлари ҳамда унга қарши кураш усуллари хусусида соҳалар мутахассислари ўз фикр-қарашларини билдиради, албатта. Биз газетхонлар эътиборини ўзимиз шохид бўлган бир ҳолатга қаратмоқчимиз. Аччиқ бўлса-да, очиқ тан олайлик: биз ўзим мулоқот, кўнгли ёриб гаплаганиш, айниқса, катталарнинг болалар билан бафуржа суҳбатлашиш борасида, афсуски, кўп мақтана олаемиз. Буни аҳоли орасида ўтказилаётган ижтимоий сўров натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Уларга кўра, масалан, оталар ўз фарзандлари билан бир суткада ўртача 5-6 дақиқагина гаплаганиш, оналар сал кўпроқ (7-8 дақиқа) суҳбатлашади. Бу гаплар ҳам аксар ҳолларда болаларимизга берадиган кундалиқ топшириқ ва сўроқларимиздан иборат бўлади, холос.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат “Оила” асарида туркистонлик, бухорлик ота-оналар болаларни эҳтиёжлари билан қизиқиш, уларнинг тақдири хусусида ўйлашдан кўра, қўрадаги мол-қўйининг ахлоғига кўпроқ жон куйдиришини чексиз надомат ила ёзган эди. Хўш, орадан бир асрдан мўроқ вақт ўтиб, ахлоқимиз не қадар ўзгарди?

Тарихда ўчмас ном қолдирган аксар буюк шахслар, даҳолар, давлат арбоблари,



ижодкорлар ҳақидаги манбалар шундан дарак берадики, уларнинг болалиги иқтидорнинг ўсишига кўмаклашадиган соғлом ва покиза муҳитда ўтган. Яқинларидан барвақт айрилган Абу Райҳон Бериуний, қиблагохидан ёшлик чоғидаёқ етим қолган Муҳаммад Ғаззолийнинг бошини сивовчи меҳрибон қўл бўлмаганида, бири алломалар устози, иккинчи хужжат ул-ислом мақомига кўтарила олармиди?!

Юртимизда академик адиб Ойбекнинг “Болалик” кйссаси кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Ёдингизда бўлса, Дадақўзи ота ёш Мусонинг жамики саволларига эринмай жавоб берад экан, унинг болалик истакларини бажо этади. Бошқаларнинг эътирозларига эса “Боланинг кўнгли — пошшо! Боланинг кўнгли — тилла!” дея жавоб беради. Хўш, Дадақўзи бобонинг беминнат эътибори, бемисл деҳри бўлмаганида, миллатимиз Ойбекдек моншаманд адибга эга бўлармиди?!

Арпа экиб, буғдой қутманг!..

Унутмайликки, навниҳол каби унинг-ўсаётган болага нисбатан зуравонлик унинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ёруғ келажагига ҳам соя солади. Яна ёдда тутайликки, таҳқир кўрмаган болагина ўз қадр-қимматини теран англайдиган баркамол шахс бўлиб етишади.

GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.